Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 24 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 98 (10.655) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 23 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ НЕМИС ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАРҚИЙ ҚЎМИТАСИ РАИСИ КЛАУС МАНГОЛЬДНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг асосий савдо- иқтисодий шерикларидан эканлигини таъкидлади.

— Сизнинг ҳар бир ташрифингиз ўзаро ҳамкорликка янги суръат бахш этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Сиз раҳбарлик қилаётган делегация сафида бу гал ёш ишбилармонлар ҳам борлиги эътиборлидир.

Клаус Мангольд 2005 йилнинг ноябрида бир гуруҳ ишбилармонлар ҳамроҳлигида Ўзбекистонга келган эди. Ўша ташриф асносида саноат, қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари каби қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб борилган, ишбилармонларнинг бизнес-форуми ташкил этилган эди. Бу сафар германиялик ишбилармонлар Самарқандда бизнес-конференция ўтказдилар. 24 май куни Сурхондарёда айни шундай тадбирни ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бундай учрашувлар икки томонлама манфаатдорлик асосидаги мулоқотлар узвийлик касб этганидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларида импортга нисбатан экспорт ҳажмининг ўсиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Ўтган йили бу борадаги умумий миқдор қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси жамоатчилик органи бўлиб, 1952 йилда Германиядаги қатор корхоналар ва ишбилармон доираларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Қўмита турли соҳаларда фаолият юритаётган бир ярим минг компания ва корхонани бирлаштирган. Германиянинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш унинг асосий вазифаларидандир.

К.Мангольд айни пайтда «Даймлер Крайслер» концернининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамдир. Ушбу концерн ҳам юртимиз корхоналари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Юртимизга 1994-2004 йиллар давомида мазкур концернда ишлаб чиқарилган қарийб 600 дона «Мерседес» русумли автобус келтирилди.

К.Мангольд бошчилигидаги бу галги делегация таркибида «EADS», «MAN Ferrostaal AG», «LEMKEN GmbH» каби қатор етакчи компанияларнинг раҳбарлари бор.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро савдо- иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Мустақиллик мевалари

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ЮРТ ТАЯНЧИ

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМИША ҲУКУМАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ХАЛҚИМИЗНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИГА, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ СОҒЛОМ ЎСИБ-УЛҒАЙИШИГА, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.





Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги «Чақар» маҳалласи Фурқат кўчасида янги, барча қулайликларга эга бўлган, замонавий тиббий асбоблар билан тўлиқ жиҳозланган, компьютерлаштирилган 55-оилавий поликлиниканинг фойдаланишга топширилиши ҳам халқ саломатлиги йўлида қилинган эзгу ишларнинг биридир.

Президентимизнинг ташаббуслари билан қад ростлаган мазкур поликлиника орқали эндиликда «Чақар», «Қоратош», «Чорсу», «Гулбозор», «Ҳадра» маҳаллалари аҳлига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш имкони яратилди.

— Поликлиникамизнинг янги, замонавий бинога кўчиб ўтиши албатта қувончли воқеа, — дейди 55-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Дилбар Абдуллаева. — Зеро мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда ва бутун дунёда қизиқиш уйғотмоқда. Биргина ушбу поликлиникамизнинг янги бинода иш бошлаши замирида ҳам эзгуликка йўғрилган мақсадлар мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар бир оила аъзоси ўз оила шифокорига эга. Тиббий муассасамиз умумий сони 25859 нафар бўлган аҳолига хизмат кўрсатади. Шундан 18487 тасини катталар, 5989 нафарини болалар,1383 нафарини қизлар ва 5221 тасини туғиш ёшидаги аёллар ташкил қилади. Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоялаш, қарияларимиз саломатлигига эътибор қаратиш асосий вазифамизга киради. Янги биномизда эса оилавий шифокор тизимининг мукаммаллаштирилган босқичига қадам қўйилди.

Дарҳақиқат, аввал шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига алоҳида-алоҳида шифокорлар хизмат кўрсатган бўлса, энди бир вақтнинг ўзида битта оилавий шифокор бирламчи кўп соҳали тиббий хизмат—терапевт, педиатр, акушер-гинеколог шифокор хизматини кўрсатади. Бу эса аҳолини шифокорларга янада яқинлаштиради. Демак оилавий шифокорнинг асосий вазифаси уч тоифадаги аҳоли—катталар, туғруқ ёшидаги аёллар ҳамда болаларнинг тиббий кўриги, тиббий профилактикаси, тиббиёт диспансеризациясини амалга ошириш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Яқинда фойдаланишга топширилган ушбу оилавий поликлиника Тошкент шаҳрида илк бор умумамалиёт шифокори фалсафаси ва тузилмасини ўзида тўлиқ ифода этади. Яъни оилавий шифокор фалсафасига кўра, кўп соҳали бирламчи тиббий ёрдам маҳаллалардаги ҳар бир оилага тизимли ва мақсадли патронажлар орқали ташкил қилинган. Шу сабабли поликлиниканинг асосий қисми оилавий шифокорлардан иборат ва уларнинг тиббий хизмати узлуксиз равишда ташкил этилган. Оилавий шифокорлар хонасига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, илк бор барча аҳоли учун тоифаларга қараб (катта ёшдагилар, туғиш ёшидаги аёллар, болалар) алоҳида-алоҳида хоналар ташкил қилинган. Жумладан, тиббий ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация ишларини олиб бориш мақсадида энг зарур бўлган тор доира мутахассис шифокорлар сақланиб қолган. Асосийси эса, кеча ва кундуз фаолият кўрсатадиган автоулов хизматига эга бўлган ҳаракатдаги узлуксиз, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ҳам ташкил қилинди. Уларга энг малакали мутахассис шифокорлар ва ҳамшираллар бириктирилди.

Айни кунларда икки қаватдан иборат поликлиникада оиланинг барча аъзоларига оила шифокори билан биргаликда, кардиолог, уролог, ортопед, отоларинголог, эндокринолог, окулист каби йўналишлар бўйича мутахассислар самарали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. УЗД, ЭкоЭГ, ЭЭГ, ЭКГ рентген, РЭГ, диагностика аппаратлари, клиник биохимия лабораторияларида физиотерапия йўналишлари бўйича малакали мутахассислар беморларга хизмат кўрсатадилар. Айни вақтда логопед, психоневролог каби мутахассислар кўригидан ўтиш учун ҳам шароит яратилган.

Шифокорлардан Л.Муҳамеджонова, Г.Позилова, Ш.Абдушукурова, Г.Ортиқова, Х.Сайфуллаева, Н.Кувнакова, ҳамшираллардан И.Жўраева, З.Муслимова, Н.Салимова, Н.Шоиноғомова сингари тиббиёт ходимлари ўз касбларига сидқидилдан ёндашиб хизмат қилмоқдалар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: 55-оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ 22-23 МАЙ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА ДЕПУТАТЛАР ИККИНЧИ ЎҚИШДА КИРИТИЛГАН «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МОДДАМА-МОДДА МУҲОКАМАСИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР.

Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишга, муассисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор масалалар, шунингдек, муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси билан тартибга солинадиган соҳага тааллуқли бошқа бир қатор муҳим масалалар чуқур ва батафсил муҳокама қилинди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, шунингдек, қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишида иштироқ этган мутахассислар ўз фикрларини баён этдилар. Муҳокама чоғида қонун лойиҳасининг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритилди. Билдирилган мулоҳазалар ва тушган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокама жараёнида баён этилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЎзА

Маҳалланг ота-онанг

ҲАМЖИҲАТЛИК ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

МАҲАЛЛА — ЁШУ КЕКСАНИ БИРЛАШТИРУВЧИ, БИР-БИРИГА ЁНДАШТИРУВЧИ, БИРДАМЛИККА, ҲАМЖИҲАТ, ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛОВЧИ, ҲАМДЎСТУ ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШГА УНДОВЧИ МУҚАДДАС МАСКАН.

Айни кунларда юртимиздаги барча маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнлари қизғин кечмоқда.

Учтепа туманидаги «Кўкча Оқтепа» маҳалласидаги сайлов йиғилиши ҳам сайловчилар хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши таъминланган шароитда, ошкора, демократик руҳда бўлиб ўтди.

Унда республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари вакиллари, туман маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияларининг раислари ҳамда мазкур маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

«Кўкча Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Собитжон Имомов 2,5 йил ичида маҳалланинг осойишталиги, тинчлиги, обод ва кўркамлиги, фуқаролар хотиржамлиги ва яхши яшаши йўлида амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва камчиликлар хусусида йиғилганларга тўлиқ маълумот берди. Маҳаллада истиқомат қилаётган 10800 нафар аҳолининг саломатлиги, яшаш тарзи, турмуш шароитини ҳисобга олиб амалга оширилган хайрли ва савобли ишларни ҳам бирма-бир изоҳлаб ўтди. Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Жумладан, қилиниши керак бўлган, аммо амалга ошмаган ишлар тугуни, ечилмаган муаммолар хусусида ҳам сўз юритилди.

Ҳар бир вакил фаоллик кўрсатиб, очиқ овоз бериш йўли билан Собитжон Имомовни маҳалла оқсоқоли лавозимига қайта сайлади. Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчилари ҳам худди шу йўсинда сайландилар.

Маҳалла аҳлининг билдирган ишончидан руҳланган Собитжон Имомов ўз ишига янги куч-ғайрат билан киришиб, масъулиятли вазифани имкон қадар яхшироқ бажаришга сўз берди.

Ҳа, оқу қорани бирдай аниқ ажратадиган доно халқ, ўзининг ишончли вакилини ҳамиша суяйди, чунки вақти келганда ана шу ишонган инсони унинг суянч тоғи бўлиб хизмат қилади, орзуларини рўёбга чиқаради. Истиқболли, нурли манзилларга бошлайди.

(Ўз мухбиримиз)

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Соғлом авлод—келажак пойдевори» деб номланди.

●**БУГУН** Бектемир туманида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал- демократик партиясининг Бектемир туман Кенгаши қошидаги «Аёллар қаноти» ҳаракати ҳамкорликларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

●**БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» фаоллари, етакчилари, сардорлари иштирокида ўтказилган тадбирда «Ёзни «Камолот» билан ўтказ!» лойиҳаси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси муҳокама қилинди.

●**БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетида Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида «Иффат эгаси—ахлоқ соҳиби» мавзуида ўтказилган тадбирда «Хиёбонтепа» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Тахтапул» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман Ресурс маркази ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқий, тиббий маданиятни юксалтиришда ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш» деб номланди.

●**БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси «Меҳр ва мурувват» фонди, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликларида шаҳримиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 2005-2006 ўқув йилида юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчилар ўртасида «Иқтидорли ёшлар меҳримиз ардоғида» деб номланган форум уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси Клаус Мангольд раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси делегацияси иштирокида Самарқандда бизнес конференция бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари келгусида амалга ошириладиган истиқболли қўшма лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар.

● Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг амалий семинари Тошкент вилоятининг Бўка туманида бўлиб ўтди. «Фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асослари» мавзусида ташкил этилган мазкур семинарда қуйи палата депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Миллий университети Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси ташаббуси билан мазкур университетда «Сиз Президент асарларини биласизми?» мавзуида интеллектуал танлов ўтказилди. Танловда университет битирувчилари Юртбошимиз асарлари асосида тайёрланган эсселари билан иштирок этишди.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига биноан республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон пойтахтидаги филиали тубдан таъмирланиб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда, шунингдек шошилинч педиатрия ҳамда шошилинч кардиология бўлимлари барпо этилди.

● Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги 9-ўрта мактабга «Лалмикор» маҳалласи ва ота-оналар томонидан 93 номдаги 148 минг сўмлик бадиий адабиётлар тақдим этилди. Эндиликда бу китоблардан нафақат ўқувчилар, балки шу маҳалла ёшлари, каттаю кичик бирдек фойдаланиши мумкин.

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида «Механиканинг замонавий муаммолари ва келажаги» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● Жорий йилда 4855 гектар майдонда деҳқончилик қилган Наманган тумани ғаллакорлари ўрим-йиғимга тайёргарликни якунладилар.

● Тошкентда «Латиш мультфильмлари кундалиги» тадбири бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари латиш киноижодкорлари томонидан суратга олинган мультфильмларни мириқиб томоша қилдилар.

● Бекобод туманидаги учта ширкат хўжаликлари пиллакорлари пилла етиштириш бўйича ўз олдиларига қўйган режаларни бажардилар. Масалан, «Дўстлик» хўжалигида 720 килограмм хом ашё ўрнига қабул пунктларига 922 килограмм пилла топширилган бўлса, Навоий номидаги ширкат хўжалигида «кумуш тола» ижодкорлари 349 кутидан 23 тонна пилла олишга муваффақ бўлишди.

ЖАҲОНДА

● Хитой ва Германия давлатлари раҳбарлари ҳамкорликнинг янада кенгайишини таъминловчи 19 та янги шартномани имзолашди. Таъкидлаш жоизки, Германия Европадаги Хитойнинг энг йирик ҳамкорларидан бири саналади. Бу иккала давлатнинг 2005 йилдаги савдо айирбошлаш ҳажми 63,2 миллиард долларни ташкил этган эди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес Американинг F-16 самолётларидан анчагина яхши ҳисобланувчи Россиянинг Су — 30 ва Су-35 қирувчи самолётларини харид қилишни режалаштираётганини билдирди.

● Ироқнинг янги тузилган ҳукумати мамлакат пойтахти Бағдод шаҳрида ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди. Муҳокамага киритилган бош масала — терроризмга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўлди.

● Кеча Грузиянинг Тбилиси шаҳрида 4 минг кишидан иборат мухолифат вакиллари иштирокида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Намойишчилар мамлакат президентининг истеъфога чиқиши ва парламентнинг тарқатилишини талаб қилишмоқда.

● Қувайт амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ мамлакатнинг амалдаги парламентини тарқатиб юборди. Бунга давлат сайлов қонунчилигини ислоҳ қилиш борасида парламент вакилларининг битта келишувга кела олмаганлиги сабаб бўлди.

● Кипрда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси 31,2 фоиз овоз олди ва бу ушбу партияга парламентда энг кўп ўринга эга бўлиш имкониятини беради. Мухолифатдаги йирик партия — Демократик йиғин эса 30,3 фоиз овозга эга бўлди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 25 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА БУ БОРАДАГИ «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ШАҲАР ВА ТУМАН ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БИР ҚАТОР АМАЛИЙ ИШЛАР ҚИЛИНДИ.

Ўтган вақт давомида назорат органлари раҳбарлари ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида қайд этилган Фармоннинг аҳамияти ва моҳияти хусусида 65 та семинар йиғилишлар ўтказилди. Назорат органларининг мутасадди вакиллари томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобининг тўғри, талаб мезонларига жавобан тўлдирилиши, уларнинг қонуний олиб борилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб борилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган жадвалга биноан режали текширувлар 30 календарь кунидан ошмаган ҳолда, қисқа муддатлилари эса — бир кун давомида ўтказилади. Ҳисобот даврида назорат органлари томонидан ушбу йўналишда камчиликларга йўл қўйилмаган. Ўз навбатида, регламентга риоя этиш талаби шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари қошида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан мунтазам назоратга олинган.

Текширишларни режалаштириш даврида хўжалик субъектларини танлаш ва рўйхатга киритиш ишлари махсус мезонларга риоя этган ҳолда алоҳида тартиб бўйича юритилади. Ҳудудий комиссия томонидан текширувларнинг самарадорлиги юзасидан ҳам ўрганишлар ўтказилади. Айтиб ўтиш керакки, текширишларни қисқартириш юзасидан қўлланилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, кейинги пайтда ўз молиявий-хўжалик фаолиятида қонидабузарликларга йўл қўяётган субъектлар сони юқорилигича қолмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида назорат органлари томонидан ўтказилган 967 та режали ва 564 та режадан ташқари текширувларнинг 93,9 фоизида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Хусусан, солиқ идоралари мутасадди вакиллари ўтказган 957 та субъект бўйича текширувлар натижасида 889 та вазиятда ҳам турли даражадаги қонидабузарликлар мавжудлиги кузатилган.

Маълумки, юқорида қайд этилган Фармонга мувофиқ шаҳар ҳудудий комиссияси негизида жамоат кенгаши тузилган бўлиб, унинг фаолияти бевосита тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур кенгаш вакиллари томонидан текширувга тушган 53 та субъект бўйича таҳлил ўтказилган ва бу борада тўпланган барча маълумотлар шаҳар Адлия бошқармасига тақдим қилинган. Кенгаш ташаббуси билан «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси билан ҳамкорликда бозор ҳудудлари ҳамда бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда ўрнатилган махсус «ишонч қути»лари ҳам ўз таъсирчанлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, кейинги вақт ичида кенгаш мутасаддилари томонидан 103 та тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган, 985 та оғзаки мурожаатлар ижобий ҳал этилган.

Фармонда назорат органлари раҳбарларининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига тўлиқ амал қилиш юзасидан масъулиятини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширувлар кузатилган ҳолларда улар то жиноий жавобгарликка қадар тортилиши ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликлари учун назорат органларининг еттита мансабдор шахсига нисбатан тегишли чоралар қўлланилди.

Бундан ташқари, комиссия томонидан бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг ижроси юзасидан ҳам назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари изчил амалга оширилиб келинмоқда. Жорий йилнинг январь-март ойларида ушбу йўналишда олтита назорат органи ҳамда тўртта туман ҳудудий комиссиялари фаолияти ўрганиб чиқилди.

Шаҳар ҳудудий комиссиясининг йиғилишлари кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги Фармони ижроси юзасидан қилинган ишлар бўйича Юнусобод, Сергели, Бектемир ва Учтепа туман ҳудудий комиссияларининг, шунингдек Ветеринария бошқармаси, Давлат алоқа инспекцияси, «Ўзэнергоназорат» агентлиги ва «Ўздавнефтгаз» инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлимларининг ҳисоботлари тингланди. Қайд этилган назорат органлари ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг тегишли туман бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари етарли даражада эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Айни пайтда шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан асосий тадбирлар доирасида тадбиркорлар учун мўлжалланган бир қатор семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган. Бундан кўзланган мақсад — назорат органлари ва бизнес тузилмалар вакиллари ўртасида ўзаро мустаҳкам муносабат ўрнатиш, ҳар бир тадбиркорга Фармон моҳиятини етказиш, хусусан мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди биринчи навбатда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини тушунтириб боришдир.

Зафар ҲОШИМЖОНОВ,
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари

РАМЗИДДИН БИЛАН АБИТУРИЕНТ САЙЛИДА УЧРАШИБ ҚОЛДИК. КЎНГЛИДА КИРИ ЙЎҚ, КЎП ЎҚИГАН, МУЛОҲАЗАЛИ ЙИГИТ. «ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРМОҚДАМАН, — ДЕЙДИ У ҚУВОНЧ ВА ҲАЯЖОН БИЛАН. — АСЛИДА УШБУ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШИМНИ ЎЗИМДАН ҲАМ КЎРА РАҲМАТЛИ ОНАМ КЎП ХОҲЛАГАНДИ. ВАСИЯТЛАРИНИ БАЖАРЯПМАН... КЕЛАЖАКДА РУС, ИНГЛИЗ, НЕМИС, КОРЕЙС ТИЛЛАРИНИ ЯНАДА МУКАММАЛ ЎРГАНМОҚЧИМАН... ОРЗУЛАРИМ МАҚСАДИМГА ЭШ БЎЛИБ, ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИМНИ ХОРИЖДА, КАТТА-КАТТА ИЛМ ДАРГОҲЛАРИДА ДАВОМ ЭТТИРИШ, НИЯТИДАМАН».



Ёшлар—келажагимиз

САЙИЛ МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Дарҳақиқат, икки йилдан бери ўтказилиб келинаётган «Абитуриент сайли» Рамзиддинга ўхшаган йигит-қизлар учун чинакам орзулар рўёби бўлиб келмоқда. Зеро, кўнглига улкан мақсадларни тугиб, катта ҳаётга дадил қадам ташлаётган абитуриентлар сайил давомида ўзи кирмоқчи бўлган институт ҳақида истаган маълумотни олиши мумкин.

Бу йилги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Абитурент сайли—2006» тадбири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари ҳамкорлиги самарасидир.

—Ҳайрли тадбирлар ҳамиша катта миқёс, кўламга эга бўлади,—дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг таълим муассасалари билан ишлаш бўлими мудири Соатмурод Эшниёзов.

—Шу маънода шаҳримизда жойлашган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, коллежларни тамомлаган ёшларимизга 30 та олий ўқув юрти ҳақида муфассал маълумот улашишдек эзгу юмушга ҳисса қўшаётганимиздан бениҳоя мамнунмиз. Қайд этиш лозимки, бу йилги тадбиримизга ўтган йилдагига нисбатан ҳам кўпроқ миқдорда абитуриентлар жалб этилмоқда.

Бундан ташқари «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ташкил этилаётган «Абитуриент—2006» лойиҳаси доирасида ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанбасида олий ўқув юртларида «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўтказилмоқда. Пойтахт «Камолот»ининг интернетдаги «www.tk.uz» сайтида «Абитуриент—2006» саҳифасида шаҳримиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Хумоюн АЛИЕВ

МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОРАСИДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН АБДУБОТИР ВАҲОБОВНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА. У БОШ БЎЛГАН ҚАНДОЛАТЧИЛИК ЦЕХИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ХАРИДОРГИРЛИГИ БИЛАН МУҚИМ ЖОЙ ЭГАЛЛАГАН.

— «Анҳор» қаҳвахонаси қошида Салкам 20 йилдан буён фаолият юритаётган қандолатчилик цехимизда, — дейди цех бошлиғи Фарида Ёқубова, —тайёрланаётган ҳар бир қандолатчилик маҳсулотларимиз сифатига алоҳида аҳамият берилади. Янги маҳсулот яратиш устида ҳамма бирдай қатнашади, кўпчиликнинг фикри инобатга олинади. Муваффақиятларимизнинг сири ҳам айни шунда, деб ўйлайман.

2001 йилда «VAHOBOV A.A» хусусий корхонаси ташкил этилган бўлса, шундан буён 10 хилдан ортиқ сифатли, хуштаъм печенье, пряник ҳамда зефирлар чиройли қадоқланиб, пойтахтимиздаги деярли барча супермаркетларда сотилмоқда. Тўққиз нафардан иборат аҳил жамоа бугунги кунда ўзимизнинг сифатли хом ашё ёрдамида юзлаб килограммлик қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаб, уларнинг харидоргирлигини таъминлашга эришмоқдалар. Бунда, шак-шубҳасиз ҳар бир ишчининг касбига алоҳида масъулияти, меҳри, маҳорати яққол кўзга ташланади.

Масалан, мазкур жамоанинг фирмали печеньелари — «Anhor», «Bodomli», «Uvoqli», «Kunjutli»лари сафидан асалли, жемли, шоколадли, ёнғоқли турлари, қулупнайли ҳамда бананлилар харидорларнинг севимли ширинликларига айланганлиги эътиборга сазовор. Шунингдек, қандолатчилар иш жойларини доимо тоза, озода, саранжом-саришта сақлашлари, цехдаги Россия ҳамда Финляндия давлатларидан келтирилган ишлатишда жуда қулай бўлган хамир қорадиган машина, замонавий печлар самарадорлиги буюртмаларнинг ўз муддатларида бажарилишига замин яратади.

Қувонарлиси, жамоада ибратли анъана узоқ йиллардан буён давом этиб келаётганлиги. Бу ҳам бўлса, «Уста-шогирд» мактаби мавжудлиги, касб маҳорати, ўз услубига эга бўлган қандолатчилар коллежлардан келган ёшларга амалиётни ўташ жараёнида иш ўргатиб, касбларига меҳр уйғотишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўқишни битирган қизлар хоҳиш-истакларига кўра кўп ҳолларда жамоага ишга қабул қилинади.

Дастурхонларимиз кўрки бўлган нонлар қаторида сифатли пиширикларни ҳар бир хонадонда каттаю кичик севиб истеъмол қилади. Улар орасида ушбу жамоанинг ҳам маҳсулотлари кўплаб ҳамшаҳарларимиз дастурхонидан муносиб ўрин эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ПСИХОЛОГЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА «2006 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ПСИХОЛОГИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ. УНДА ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИДА ҒОЛИБ ЧИҚҚАН ЎН ТЎРТ НАФАР ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГ ИШТИРОК ЭТДИ.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида таълим сифатини янада юксалтиришда педагоглар масъулиятини ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу жараён эса ўқувчилар қалбига йўл топа билиш, дунёқараши, руҳиятини мукаммал ўрганишни талаб этади. Юртимизнинг салкам ўн мингга яқин умумтаълим мактабида фаолият олиб бораётган педагог-психологлар айнан шу жиҳатларга пухта ёндошиши зарурлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Танловда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 178-умумтаълим мактаби вакиласи Румира Мансурова биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззах вилояти Жиззах тумани 19-умумтаълим мактабининг амалиётчи психологи Меҳринисо Жабборова — иккинчи, Бухоро вилояти Жондор тумани 46-умумтаълим мактабининг психологи Зилола Асадова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тақдимот

ЮРТИМИЗ БОЗОРИДА ЯНГИ ТЕЛЕФОНЛАР

КОРЕЯНИНГ МОБИЛЬ АЛОҚАЛАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОНДА МАШҲУР БЎЛГАН «LG Elektronics Inc» КОМПАНИЯСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ СЎНГГИ РУСУМДАГИ ЗАМОНАВИЙ МОБИЛ ТЕЛЕФОНИ ИЮНЬ ОЙИДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА КИРИБ КЕЛАДИ.

Шу муносабат билан «LG Elektronics Inc» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ваколатхона раҳбари жаноб Ким Джонг Кван тадбирни кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга яратилган яхши шароитдан мамнунлигини изҳор этган ҳолда журналистларга мамлакат бозорига кириб келаётган янги маҳсулот — «LG Chocolate» деб номланган BLACK Label сериясидаги мобил телефоннинг ишлаб чиқарилиши, кўриниши, хизмат кўрсатишдаги қулайлик ва афзалликлари, компаниянинг ютуқ ва келгуси режалари ҳақида батафсил маълумот берди.

2005 йил ноябрь ойида ишлаб чиқарилган «LG Chocolate» телефони Корея бозорида ҳам жуда харидоргир ҳисобланиб, шу кунга қадар 400 мингдан ортиқ сотилган ҳамда юксак дизайни учун Европанинг 2 та — «IF Design Award» ва «Pied dot Design Award» мукофотларини қўлга киритди. Компания эса электр жиҳозлари ҳамда мобил коммуникациялари воситалари ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан саналиб, жаҳон давлатларида 77 та шўъба корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, уларда 72 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

— Ўйлаймизки, ушбу янги мобил телефони Ўзбекистонда, албатта, ўз харидорларини топади, — дейди ваколатхона менежери Илҳом Яҳёев. — Чунки у нафақат ишлатишга қулайлиги, балки ажойиб дизайни билан ҳам бугунги харидор дид ва талабига тўла жавоб беради. Ҳозирда ушбу телефон воситасига Европада ҳам харидорлар сони ортиб бормоқда. Шу боис ҳам унинг бир нечта моделларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган, ранглари устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Тадбирда иштирок этган журналистларнинг саволларига аниқ ва батафсил жавоблар қайтарилди. Шунингдек, келгусида мобил алоқа воситаларини республикамизда ишлаб чиқариш режаси борлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шарифа ИЛЁСОВА

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРМОҚЛАРИГА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ УЛАНИШИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ЎҒРИНЧА ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ЮЗАСИДАН БИР ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

Бу борада жумладан Учтепа туман электр тармоқларида бажарилган ишларни ўрганиш мақсадида мониторинг ўтказилди.

Мониторинг вақтида туман ҳудудида юридик мақомга эга бўлган 1056 та истеъмолчи мавжуд бўлиб, 2006 йил 21 апрель ҳолатига ушбу истеъмолчилардан 234 таси хатловдан ўтказилган. Хатловдан ўтказиш пайтида 6 та истеъмолчида электр энергияси ҳисоблагичларининг йўқлиги, 9 та истеъмолчининг электр қурилмалари туман электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлиги маълум бўлди.

Масалан: «Ҳосил-барака» хусусий фирмаси Зарафшон кўчасида жойлашган бўлиб, электр тармоқларига 2,9 кВт қувват билан ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан улаб олинган; Тошкент Ҳалқа йўлида жойлашган «Бўз сув қурилиш моллари» масъулияти чекланган жамияти 4 кВт қувват билан электр тармоғига электр ҳисоблагичдан ташқари уланган. Туман электр тармоқлари ходимларига ушбу нохуш ҳоллардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётган «тадбиркор»ларни аниқлаб, қонун доирасида чоралар кўриш тавсия этилди.

М.ИСҲОҚОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Иқтисодиёт

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН ИНСОНЛАРНИНГ АВВАЛО, МАШАҚҚАТДАН ЧЎЧИМАЙДИГАН, ЧУҚУР БИЛИМЛИ, ЯНГИЛИККА ЎЧ, ТАШАББУСКОР, ҚИСҚАСИ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАШИ ЖОИЗДИР.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам бундай изланувчан хусусий тадбиркорлар анчагина. Улардан бири Нозим Абдуҳакимов ўтган йили «Нозим-Абдуҳаким» хусусий ателъесида иш бошлаб, аҳолига баҳоли қудрат намунали хизмат кўрсатишни эзгу мақсад қилганди. Қисқа муддат ичида ғайратли тадбиркор бош бўлган хусусий корхонанинг 6 нафардан иборат жамоаси моҳир бичувчи, дизайнчи, қўли гул тикувчилар касб-маҳорати туфайли доимий мижозлар сафи кенгайиб бормоқда.

Мазкур ателъеда эркак, аёл ҳамда болаларга мўлжалланган устки кийимлар буюртма асосида тикилади. Бу кийимлар мавсумий бўлиб, тери, сунъий чарм, мўйнадан тортиб ёзги либосларни ташкил этиши эътиборга лойиқ. Чиройли бичим, қисқа муддатларда сифатли бажарилган буюртмалар мижозларни мамнун этмоқда. Корхона цехида Жанубий Кореядан келтирилган юксак самарали саноат тикув машиналари, дастгоҳ, ускуналар ҳамда бошқа керакли жиҳозлар ишчи-хизматчиларга мададкор бўлмоқда.

Ателье салонида мижозлар учун кўргазмалар бурчаги, қулай мебеллар қўйилиб, шинам жиҳозланган. Сифатли хорижий матолар буюртмачиларнинг хоҳиш-истагига кўра келтирилади ҳамда мавсумларга мослаб, тавсия этилади.

Хусусий тадбиркор Нозим Абдуҳакимов доимо изланишда, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида янги лойиҳалар устида бош қотирмоқда. У жорий йил охиригача кир ювиш ҳамда экологик тоза кимёвий тозалаш корхоналари очиш, ёшларга янги иш жойлари яратишни ният қилган.

ТУРЛАРИ ОРТАДИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ СОНИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Сергели туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Анвар Собиров 3 хилдаги печеньелар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Орадан узоқ муддат ўтмасдан оилавий бизнес яхши натижалар бера бошлади. Сифатли печеньелар билан бирга, хушхўр 4 хилдаги пряниклар ишлаб чиқарила бошланди. Россия давлатидан келтирилган ва юртимизда тайёрланган дастгоҳ ҳамда ускуналар мададида тайёрланган ширинликлар бозорларда улгуржи сотувга чиқарилмоқда.

Эътиборли томони, маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Жорий йил охиригача тадбиркор сифатли макарон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни режалаган.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Транспорт

УЮШМАДА ЯНГИ ЖАМҒАРМА

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ. КЎРИЛГАН БУНДАЙ ЙИРИК ТАДБИР МУНОСАБАТИ БИЛАН УЮШМА КОРХОНАЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАРНИ МОДДИЙ ТОМОНДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАСИГА ҲАМ ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ.

Уюшма бошқаруви ҳузурида транспорт ходимларини рағбатлантириш жамғармаси тузилиши ҳам таҳсинга сазовор. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилаш мақсадида ташкил этилган бундай жамғармалар уюшмага қарашли ҳар бир корхонада фаолият кўрсатади. Улар уюшма бошқарувининг молия-иқтисодий таҳлиллари бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИГА ҲАМ ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

Бу борада «3-Автобус саройи» акциядорлик жамияти томонидан кўрилаётган тадбирларни мисол тариқасида кўсатишимиз мумкин. Корхонада транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида қўшимча иш режаси ҳамда техник комиссия тузилди. Бу эса йўналишларга чиқарилаётган автобусларнинг техник соз бўлиши, санитар аҳволи ва унинг тозалигини таъминламоқда.

Ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш мақсадида 30 соатлик техник тайёргарлик бўйича дастур ҳам ишлаб чиқилди.

ОРОМГОҲ МАВСУМГА ШАЙ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ, ДАРЁ, ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ВА ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, УЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Тармоқ тасарруфидаги оромгоҳларни янги мавсумга ҳозирлашга ҳам киришилди. «Автомобилчи», «Трамвайчи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида эса қўшимча павильон ва бўлимлар очилади.

Бундан ташқари янги санаторий-профилакторий иш бошлайди. Мавсум давомида бу ерда юздан ортиқ транспорт хизмати ходимларининг фарзандлари ўз саломатлигини мустаҳкамлайди.

Акбар АЛИЕВ



№4 (168) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Мунозара

АТРОФ-МУҲИТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТ

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН КЎПГИНА МУАММОЛАР САБАБЛИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА ЎНЛАБ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига таяниб иш кўради.

Маълумки сўнгги йилларда «Экология» сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Ҳозирги кунда атроф-муҳитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирганда бу сўз тез-тез тилга олинади. Экология атамасини биринчи марта фанга 1866 йили немис биологи Эрнест Гекка киритган. Экология сўзи ўз мазмунига кўра «уй ҳақида ва ўзининг яшаш жой ҳақидаги фан» деган маънони англатади.

Табиат ҳолатининг ёмонлашуви ва сув манбааларининг ифлосланиши, ўрмон дарахтларининг кесилиши каби ҳолатлар инсониятнинг олдига атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни қўяди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54 ва 55-моддаларида қайд этиб ўтилган, яъни шу ҳужжатнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» дейилса, 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги кўрсатилган.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Президентимиз Ислом Каримов экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган», деган эди. Бу ерда экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эгалиги таъкидланмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилади. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунади ва Олий Мажлисга ҳисобдордир. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунида табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилган. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экологик тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

1993 йилда қабул қилинган сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни сувга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни булғаниш, ифлосланиш, камайиб кетишдан, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш, бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунга асосан Тошкент шаҳрида жойлашган автоювиш шохобчаларида автомобилларни ювишда ичимлик сувидан фойдаланиш умуман ман этилган бўлиб, автоювиш шохобчалари фақатгина техник сувдан (артезиан қудуқ орқали) ёки ер усти сувларидан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шаҳримиздаги автоювиш шохобчаларидан атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли моддалар ташланмайди, чунки барча автоювиш шохобчалари шаҳар канализация тармоғига уланган ва барча шохобчалар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қўйилган талабларга риоя қилади.

А. КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири



Маълумот

АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШОХОБЧАЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КЎПЛАБ АВТОЮВИШ ШОХОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ҲОЗИРГИ КУНГА КЕЛИБ АВТОЮВИШ ШОХОБЧАЛАРИ СОНИ 121 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУЛАРДАН 109 ТАСИ АРТЕЗИАН ҚУДУҒИДАН, ҚОЛГАН 12 ТАСИ ЕР УСТИ СУВЛАРИДАН АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ УЧУН СУВ ОЛАДИ.

Бундан ташқари 105 та автоювиш шохобчалари маиший ва хўжалик эҳтиёжлари учун шаҳар сув тармоғидан сув олади.

Автоювиш шохобчаларини ишга тушириш учун биринчи навбатда Тошкент шаҳар ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори олинади, сўнгра шу қарорга асосан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги Давлат экологик экспертизаси бўлими томонидан автоювиш шохобчасига табиатга жиддий зарар кўрсатмаслиги ҳақидаги Давлат экологик экспертизаси ижобий хулосаси берилади

Ундан кейин «Сувсоз» трестида автоювиш шохобчаси учун «Техникавий шартлар меъёрий ҳужжати» ишлаб чиқилади. Ушбу ҳужжатда шаҳар канализация тармоқларига автоювиш шохобчасидан тушадиган оқава сувларни оқизиш қоида ва талаблари кўрсатилади. Оқава сувлар фақат локал сувни тозалаш иншоотлари орқали канализация тармоғига ташланиши шарт.

Сўнгра ушбу техникавий шартлар асосида «Сувдан махсус фойдаланиш» меъёрий ҳужжати ишлаб чиқилади, ҳужжатда йилига қанча сув оқизиш максимал ўлчови кўрсатилган бўлади, шу кўрсаткичга асосан автоювиш шохобчаси учун Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан махсус рухсатнома берилади. Рухсатнома муддати энг кўпи билан 3 йилга берилади. Кейин барча ҳужжатлар шаҳар ҳокимиятига тақдим этилади, уни шаҳар ҳокими кўриб чиқиб автоювиш шохобчасининг иш фаолиятини бошлаш учун алоҳида қарор чиқариб беради.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 31 майдаги 286-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида жойлашган автоювиш шохобчаларида автомобилларни ювишда ичимлик сувидан фойдаланиш умуман ман этилган бўлиб, автоювиш шохобчалари фақатгина техник сувдан (артезиан қудуқ орқали) ёки ер усти сувларидан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шаҳримиздаги автоювиш шохобчаларидан атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли моддалар ташланмайди, чунки барча автоювиш шохобчалари шаҳар канализация тармоғига уланган ва барча шохобчалар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қўйилган талабларга риоя қилади.

А. КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири

Туманларда

СУВГА ЭЪТИБОР

СУВНИ ТЕЖАБ ИШЛАТИШ, УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ХАЙРЛИ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Бу борада асосан аҳолининг сувга бефарқ бўлмаётгани ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишни тўғри ташкил этиши қўл келмоқда.

Асосий қилинган ишлардан Бўзсув канали иншоотида авария оқибатида оқиб ётган тоза ичимлик суви тўхтатилди.

«Обод» маҳалласидаги «Омина» масжиди олдида яшовчи хонадон ертўлаларини сув босмайдиган бўлди. Юнусобод РВК сувсоз, оқава сувлар тармоғи корхоналари билан биргаликда рейдлар ўтказилиши ижобий натижа бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори борасида сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва сув иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналарини белгилаш тартибини, шунингдек, сув ресурслари ифлосланиши, булғаланиши ва тугашининг олдини олиш учун бу зоналарда хўжалик фаолияти тартиби бошқариб борилади.

Бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Бўзсув канали бўйи— «Отчопар» маҳалласида жойлашган хусусий секторлар сув муҳофаза зонасини эгаллаб олган.

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний қурилган иншоотларни буздириш ишлари олиб борилмоқда.

С. МАҲАМАТОВ,
Юнусобод тумани давлат нозири

Маслаҳатлар

БЕҲИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Беҳининг ёввойи ва маданий тури бор. Кавказ, Марказий Осиё ва Қримда ўстирилади. У 4 минг йил муқаддам экинлаштирилган. Ўзбекистондаги беҳизорларнинг 80 фоизи Фарғона водийсидадир. Беҳи нави турлича бўлади: нок беҳиси, қува беҳиси, нон беҳи, баҳри беҳи ва бошқалар.

Табобатда кўпроқ меваси ва уруғи қўлланилади. Меваси таркибида қанд, кислоталар (олма ва лимон кислотаси), ошловчи моддалар, пектин, С дармондори, эфир мойи, темир моддаларини сақлайди. Беҳи уруғида шиллиқ модда, гликозид, амигдалин, мой, бўёқ бор. Шу моддалар талайгина хасталикларга шифо. Кези келганда беҳи хосияти ҳақидаги бир ривоятни келтирамиз:

...Беморнинг дарди кундан-кун ёмонлаша бошлабди. Қилинмаган дори-дармон, кўрсатилмаган парихону азайимхон, фолбину қасидахон қолмабди. Қоқтириб силкитишибди, алас-алас, баста-баста қилиб, терига ўраб савалашибди, илму амал ва банд қилишибди. Барчаси бекор кетибди. Хуллас чувалчанг чучварасию, қизилиштон шўрвасигача бериб кўришибди. Беморнинг аҳволи яхши бўлмабди.

Лукмони Ҳакимни топиб, хастани кўрсатишибди. У касални кўриб чуқур уф тортибдида шундай дебди:

—Ўзига билдирмай, бир чеккага етқизиб қўйинглар, у охирги кунларини бошидан кечиряпти.

Хастанинг ота-онаси ўн икки йил касалга қараб, ҳорибтолган эканлар. Ноилож, ҳакимнинг гапига кириб, уни тўшаги билан қари беҳи дарахтининг тагига етқизиб қўйишибди. Бемор яккаланганлигидан зор-зор йиғлабди. Орадан бир соатлар ўтар-ўтмас ярим сасиган бир дона беҳи узилиб тушибди-да, касал олдига юмалабди. Бемор ўзўзича «Шундай хор-зор бўлиб ётгандан кўра ўлганим минг бор яхши» деб, беҳининг заҳарланган ва сасиган қисмини бармоғи билан ялай бошлабди. Касалга заҳанинг икки тилимиёқ қуввати бергандай бўлди. Хаста беҳининг қолган қисмини ялаб бўлгунча, ўрнидан туриб ўтирибди. Беҳи унга жон ато қилаётганидан завқланиб, заҳарланмаган қисмини бир тишлаган экан, ўша заҳотиёқ йўтали тўхтаб, енгил балғам аҳрала бошлабди...

Бемор эртасигаёқ ўрнидан туриб, тўшакларини қоқибди. Беҳи остларини супуриб-сидирибди. Яна бир дона ярим сасиган беҳини шохдан излаб топиб тановул қилибди. Хуллас, уч кун деганда бемор оёққа туриб, бир ҳафтада ўзига кела бошлабди. У фақат беҳи ер, еганда ҳам уруғигача қолдирмас экан. Хастанинг қариндошлари мабодо ўлган бўлса, кўмиб қўяйлик, деб хабар олгани келишса, бемор беҳи ғажиб ўтирган эмиш. Улар ҳайратдан лол қолиб, яна Лукмони Ҳакимни топиб келишибди. Лукмони Ҳаким ҳам бу ишга ҳайрон қолиб, суриштиргач, беҳига ўдағайлабди:

— Ҳой букри, барча меваю наботот ўзининг қайси касалга даво эканлигини тилга кириб менга айтса-ю, сен нега индамадинг?

Беҳи дарахти:

—Аввало сен мени менсимагансан, ундан сўнг, менинг сенга ҳисоб берадиган жойим йўқ. Мен жаннат мевасиман: агар ҳисоб бергулик бўлганимда ҳам Одам Атога берардим...

Лукмони Ҳаким сўрабди:

—Қандай дардларга давосан?

—Менинг даво бўлмаган қисмим йўқ. Томиримдан тукимга қадар минг касалга шифоман,—деб жавоб қилган экан...

Дарҳақиқат, беҳининг шифолиги ҳамин қадар. Абу Али ибн Сино беҳи мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмани ич кетишни тўхтатувчи, иштаҳа очувчи, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Айниқса, чўғга кўмилган беҳи яхши ҳазм бўлади.

Беҳи сувига асал қўшиб тановул этишганда сурункали жигар хасталигида даво. Беҳи терни тўхтатади, нафас аъзолари учун фойдали, чанқоқни босади, қусишга қарши фойда қилади. Беҳи ширасини астма, қон тупуриш ва бошқа касалликларга, уруғидан олинган шиллиқ эритмаси ўпка ва нафас йўллари хасталикларига даво бўлади.

Уруғи томоқ қирилишида яхши наф келтиради. Шамоллаганда, йўталда беҳининг ичига асал ёки думба ёғи қўйиб буғда пиширилгани шифодир. Беҳи меваси камқонликда, бачадондан қон оқишида ажойиб малҳамдир. Уруғи гастроэнтеритда, колит (ичак шамоллашида), қорин бўшлиғи дам бўлганда, бронхитда ишлатилади. Шу билан бирга тери куйганда даво.

Халқ табобатида беҳининг барги, новдасининг пўстлоғи, ёш шохчалари қандли диабетда ва қон босими ошганда наф беради.

Беҳи асабга, баъзи бир тур бош оғрикда хурсанд қилувчи таъсирга эга, юракка дармон берувчи ҳисобланади.

Мабодо кишиларнинг оғзи қуруқшаб қолгудек бўлса (айниқса узоқ суҳбат қурганда ёки нутқ сўзлаганда) беҳи уруғи унинг олдини олади. Шунда нутқ сўзлашдан 30 дақиқа олдин 2-3 дона беҳи уруғини тил остига ташлаш даркор. Лозим бўлганда бир дона беҳи уруғини нутқ сўзлаган пайтда тил остида қолдириш мумкин.

Беҳини кўп истеъмол қилиш мумкинми деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Беҳини кўп истеъмол қилиш киши ичини қотириши мумкин. Айниқса эмизикли аёллар шуни ёдда сақлаши лозимки, беҳидаги ошловчи моддалар болани эмизганда сут орқали ўтади ва ичини қотиради, пировардида у қийналади. Шундай ҳол рўй берса, укроп сувини бериш керак. Меъёрида тановул этсангиз, жаннат меваси—беҳи соғлиғингизга поёндоз бўлади.

Лойиҳа

ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ, РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 491-СОНЛИ ҚАРОРИДА ТАСДИҚЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМИДА ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ АЖРАТИШ ЛОЙИҲАОЛДИ ВА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИДАН ЎТИШИ ЛОЗИМЛИГИ КЎРСАТИЛГАН.

Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимияти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан қурилишга ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинишидан олдин лойиҳаолди ҳужжатларининг тўлиқ экологик экспертизага жалб этилишига катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2005 йил давомида 170 та объект муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари бўйича Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертизаси хулосаларини тайёрлашган. Ушбу кўрсаткичнинг январь ойида ўсишига эришилди. Ер участкаларини ажратиш жараёнида бюртмачилар томонидан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, экологик экспертизага тақдим этилмоқда, яъни қурилиши мўлжалланаётган объект лойиҳасида ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш миқдори ва таркиби, чиқиндилар миқдори ва уларни жойлаштириш, қайта ишлаш бўйича табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бўйича маълумотлар берилиб, улар эксперт мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб, таҳлил қилиниб шу асосда экологик экспертиза хулосалари тайёрланмоқда. Бундан кўзланган мақсад объектларнинг жойлаштирилиши, унинг атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини камайтириш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш, атроф-муҳит ҳолатининг салбий ўзгаришига йўл қўймасликдан иборатдир.

Ш.ҲИДОЯТОВ,
Экспертиза бўлимининг бош мутахассиси

Таълим

УСТОЗ ПЕДАГОГ ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАСИ

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ҲАМ БУ ТИЛНИ ЎРГАНИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛАЁТИР.

Бундай машғулотларни олиб боришда устоз педагог Тўхтабой Самиев ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Ўзининг бой билим ва тажрибасини ишга солиб, тингловчиларнинг амалий кўникмаларини оширишга эришмоқда.

Ўзига хос дарс бериш методикасига эга бўлган устоз тил ўрганувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида қатор ўқув адабиётларини яратиш устида самарали изланди. «Инглиз тили грамматикаси», «Инглиз тили грамматикасида замонлар мослашуви» деган қўлланмалар ҳам чоп этилди.

КУТУБХОНАДА ДОИМИЙ КЎРГАЗМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ АДАБИЁТЛАРГА ЖУДА БОЙ. БУ ЕРДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР ҲАМ АНЧАГИНА.

Яқинда Москвадан яна бир нечта янги адабиётлар олинди. Москва Давлат университети нашриёти томонидан чиқарилган иқтисод йўналишига доир китоблардан иборат бу адабиётлар мажмуаси учун кутубхонада алоҳида жой ажратилди. Эндиликда бу нодир нашрлар зиё масканининг доимий адабиётлар кўргазмаси кўринишида ҳам намойиш қилинмоқда.

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА «УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК» ХИЗМАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ТАЪЛИМДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭРИШИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ШУ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН НИЗОМ ДОИРАСИДА ҚАТОР АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Тошкент шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида уюштирилган навбатдаги анжуманда эса педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган «Директор ўринбосарлари», «Бошланғич таълим» каби курс раҳбарларининг очиқ дарслари ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Маънавият

ЯПОН ТИЛИ КУРСИ

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИНИ ЗАРУР ТЕХНИК ҚУРИЛМАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШДА ЯПОНИЯ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ ГРАНТЛАР ҚЎЛ КЕЛДИ. КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ АНДОЗАСИ АСОСИДА ЗИЁ МАСКАНИ ЯНГИЧА КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛДИ.

Кутубхонада япон тили ўқув курсининг очилиши ҳам кўпчиликни мамнун этди. Машғулотларни олиб бориш учун лингафон хоналари бунёд этилди.

Эндиликда ёш китобхонлар орасида япон тилини ўрганишга қизиқаётганлар сони анчагина ортади.

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ КУНДА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ШАХС СИФАТИДА КАМОЛГА ЕТКАЗИШ, УЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ЧУҚУР ҲУРМАТ ҲАМДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ЁШЛАР ҚАЛБИДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ, УЛАРНИНГ ОНГИГА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУЛАРИНИ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИНИ ЧУҚУР СИНГДИРИШ БОРАСИДА ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Яқинда Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ана шундай тадбирлардан бири — «Ислом дини ва унинг моҳияти» мавзуида ўқув семинари ўтказилди. Анжуманни Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг «Меҳр-мурувват» фонди вакили О. Каримова кириш сўзи билан очди. Шунингдек, тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг бўлим бошлиғи М. Йўлдошев сўзга чиқиб, бугунги тинч, фаровон ҳаётимизни асраш, она- Ватанимизни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Ислом динининг жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги, инсон маънавий камолотидаги роли ортиб бораётгани, асрлар мобайнида одамларни эзгуликка, аҳилликка, ҳамкорликка чорлаб, зўравонлик, адолатсизликни қоралаб келганлигини алоҳида таъкидлади. Инсонларни ҳалоллик, иймонлилик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатиб келаётганини айтиб, айниқса, ҳозирги кунда жамиятимизда ислом ёки христиан дини ниқоби остида ёшлар онгини заҳарлашга уринаётган айрим гуруҳлар ва ташкилотларнинг асл мақсади намалардан иборат эканлигини тушунтирди. Ёшларнинг билиб-билмай, мана шундай турли оқимларга кириб кетмасликлари, турли ёт ғояларга берилмасликлари лозимлигини таъкидлади. Тадбирда шунингдек, рус православ черкови руҳонийси Сергей Стаценко ҳам сўзга чиқиб, ёшларни огоҳликка, хушёрликка чақирди.

Сўнг лицей ўқувчиларига мавзуга доир ҳужжатли видео тасмалар намойиш қилинди. Савол-жавоблар тарзида ўтган мазкур анжуман ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТУТУТИДА ТУРЛИ МАВЗУЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА «БАҲОР—2006»ДЕГАН БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ ҲАМ КЎПЧИЛИКДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ.

Олий ўқув юртида «Маънавият куни» доирасида уюштирилаётган маърифий тадбирларда ҳам талаба- ёшлар фаол иштирок этишмоқда. Навбатдаги «Маънавият куни» шаҳримизнинг Мустақиллик майдонида уюштирилди. Бу тадбир «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гулчамбар қўйиш билан бошланди. Пойтахтимизнинг бу марказий майдони бўйлаб қилинган экскурсия чоғида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар Сенат биноси, Тасвирий санъат галереясида ҳам бўлдилар. Бу тадбир «Маънавият куни» иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Анвар ВАЛИЕВ

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТ. Иккиюзламачи дўстдан қотил душман яхши! Байт:

Дўст улки, доимо ростни гапирар,
Душман эса айбинг тутади пинҳон!
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Такаббурлик калтабинлар ва инсонийлик тариқидан чиққанларнинг хислатидир.

КОШИФИЙ

Ғаразгўйга салом беру қоч!
Танқид бўлмаган жойда юксалиш ҳам бўлмайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Ғийбат қилувчилар ўлимтик егувчи қуртларга ўхшайди.

КОШИФИЙ

Қайда кўрсанг кўнгли синуғ марҳам бўлғил,
Андоқ мардум йўлда қолса ҳамдам бўлғил,
Уммат бўлсанг ғарибларға тобеъ бўлғил,
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ бўлғил.
Аҳмад ЯССАВИЙ

Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.

ҲАДИС

ПАНДУ НАСИҲАТГА ҚУЛОҚ ТУТИШ ВА МАСЛАҲАТЛАШИБ ИШ КЎРИШ ҲАҚИДА

Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан ишқилур эрдим.

«Амир ТЕМУР ўгитлари»

Носиҳи содиқ эрурки беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз.

НАВОИЙ

Насиҳатнинг яхшиси шундайки, у одамни ёмонликдан узоқлаштиради.

«ОТАЛАР сўзи»

Ҳар кимнинг феълу атворида нуқсон бўлса, унинг қилган насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди. Байт:

Сўзларингни эшитмаса ҳеч кимса,
Бехудага чекма жабру жафони.
Ўз нафсингга ўқи аввал насиҳат,
Бузмай юрсин токи аҳду вафони!
Мажидиддин ҲАВОФИЙ

Айла мустаҳкам ишингни эй улуғ ўғул,
Ҳар на ким ҳикмат эли дер айла қабул.

ОРАЗИЙ

Бир ҳаким заруратюзасидан бир ҳокимнинг олдига борган эди. Ҳоким унга: «Мен учун бир-икки оғиз панду насиҳат сўзларини айтсанг, токи ундан ўзимга ҳулосалар чиқариб олсам», деди. Ҳаким унга шундай жавоб берди: «Панду ҳикматни эшитиш жуда осон, аммо уни амалга ошириш қийин. Панду ҳикмат ҳар ким учун ҳар хил таъсирга эга. Панду ҳикмат нодон учун шўр ерга ёққан ёмғир, олим учун жилови йўқ от, адолатли бўлмаган подшо учун ёмғир йўқ булут, инсофли ҳоким учун сурур ва бахт тулпоридир!»

Ҳоким бу сўзларни зарҳал билан ёздириб қўйди ва доимо уни ўқиб турадиган бўлди.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ҳеч бир ишни донишмандлар билан маслаҳатлашмасдан бурун бошламагил.

КОШИФИЙ

Эй ўғил, бўлма ёмонлар улфати,
Толиби дунё, аёл ҳамсуҳбати.
Меҳри дунё оташи сўзон эрур,
Ҳам ёмон улфат балойи жон эрур.
Заҳри бор дунёни гўёки илон,
Гарчи зоҳирда эрур нақши аён.
Кўринур зебо ажаб қилсанг назар,
Заҳридан жонга бироқ бордир хатар,
Золи дунё бил келиндек безанур,
Ҳар замон янги куёв деб изланур.
Мақбул улдурки, бу жуфтдан бўлса тоқ,
Орқасин ўгирсаю, қилса талоқ.
Ул куёвга бокур кулиш билан,
Сўнг ҳалок қилгай заҳарли тил билан!
Фаридиддин АТТОР

Бир ҳаким айтди: «Йиғилиш ёки ўтиришда баъзи кимсаларга насиҳат қилиш тўғри эмас. Аввало ул кишининг феълу атворини ҳисобга олмоқ зарур. Шундай кишилар бўладики, насиҳат қилсанг ва айбидан огоҳ қилсанг, ўз камчилигини оғзингдан эшитиб билиб олади. Лекин раҳмат айтиш ўрнига сенга бир умр душманлик қилиб юради!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Машваратсиз, бетафаккур қилса
ҳар иш ҳар киши,
Ул кишининг оқибат бўлғай паришонлик иши.
Толиб ТОЛИБИЙ

ҲИКОЯТ. Бир дўстим олдимга келиб, деди: «Менга насиҳат сўзларидан айтиб, бир маслаҳат берсанг! Мен унга дедим: «Эй рафиқ, менинг ҳам дилимда шу нарсага етмоқ ранжи, насиҳат ганжини топмоқ бор!» Мисра:

Айтгил, менинг учун қилсин насиҳат!

Лекин ҳакимларга тақлид қилиб, бир неча оғиз сўз айтишим мумкин. Шояд ўша сўзлар сенга таъсир қилса:

Амал қилмас эсанг айтган сўзимга,
Қабул қилмас эса ўзга ажаб йўқ!

«Улар қайси сўзлар?»—деб сўради у. «Кам егин,—дедим унга,—токи ўзинг ранж тортмагайсан. Кам ухла, то идрокинг маъноднор ганжни фаҳмлашдан ожиз бўлмагай. Кам емоқ яна кам демоққа боғлиқдурким, кам ейилган вақтда кишида гапириш учун қудрат ва ҳавас кам бўлади». Қитъа:

Душманингдир нафси амморанг,
Кучайишга йўл қўйма асло!
Ҳаддан ортиқ оч қолдирма ҳам,
Тўйдирмагин ортиқча аммо!
Қочиб кетса бўлар душман қўлидан,
Агар душман ўзимда бўлса найлай!
Ҳаким ҚОНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

МАЪЛУМКИ, ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ КАБИ ҚАТОР ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ТУЗИЛГАН ТАШКИЛОТДИР. У МУСТАҚИЛ, ИНСОНПАРВАР ТАШКИЛОТ БЎЛИБ, АҲОЛИНИНГ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИГА УЛАРНИНГ МИЛЛАТИ, ИРҚИ, ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИ, СИНФИЙ ҚАРАШЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР МУТЛАҚО КЎНГИЛЛИ РАВИШДА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ ВА МАДАД БЕРАДИ.





Мусобақалар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Бугунги кунда мазкур ҳаракат жаҳондаги 190 га яқин мамлакатнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой миллий жамиятларини ва 250 миллион кишини бирлаштиради. 1992 йилда мамлакатимиз Президенти томонидан «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармонга имзо чекилгандан кейин жамият ўз курултойида янги Низомини қабул қилиб мустақил давлатнинг мустақил миллий жамияти мақомини олиб фаолият бошлади. Жамият 1995 йилда Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой миллий жамиятларини бирлаштирувчи Халқаро Федерациянинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ёшлар билан ишлаш Қизил Ярим Ой жамиятининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқув юртларида тузилган жамиятнинг бошланғич ташкилотлари ўқувчи ёшларга санитар ва гигиена билимларини беради, уларни биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга, кўмакка муҳтож инсонларни кўрганда бефарқ бўлмасликка ўргатади. Хусусан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақалари ҳам айнан юқоридаги мақсадлар ижроси йўлида ташкил қилинади.

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ушбу мусобақанинг шаҳар босқичи ўқувчиларнинг фаоллиги, ўрганган билимларини кўрсатиш иштиёқи орқали ниҳоятда қизиқарли, таассуротларга бой тарзда бўлиб ўтди. Шаҳримиз туманларининг ғолиблари иштирок этган ушбу мусобақада ўқувчилар 8 та шарт бўйича беллашдилар.

— Анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган ушбу мусобақадан қатор хайрли мақсадлар кўзланган, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Муҳамедова. — Яъни ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шахсий ва жамоатчилик гигиенасидан хабардор бўлиш, беморларга қараш, фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш каби мақсадлар шулар жумласидандир. Шуни айтиб ўтиш лозимки, «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаларига тайёрланиш жараёнида шаҳримиздаги барча туманларда жамиятимиз Кенгаши ходимлари томонидан ўқув семинарлари ўтказилиб, барча мактаб ўқувчилари ва ҳамширалари 26 соатлик дастур асосида ўқитилади.

Биз мусобақа давомида ҳар бир шарт бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва бераётган жавобларини эшитиб, деворий газеталарни кўздан кечириб, йилдан йилга қатнашчилар фаоллиги, қизиқиши ортиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

—Бундай мусобақалар тез-тез ўтказилиб турилса фойдадан ҳоли бўлмайди,—дейди «Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш асослари ва амалий ёрдам» шарти бўйича ўқувчилар билимини баҳолаётган, Мирзо Улуғбек туманидаги 14-касалхона жарроҳи Дониёр Сабиров.—Чунки ёшларнинг бугун ўрганаётган барча билим ва кўникмалари эртага ҳаётда керак бўлади.

Мусобақа ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ҳакамлар ғолибни аниқлаш учун холислик, синчковлик билан иш олиб бордилар. Ва ниҳоят Сергели тумани (305-мактаб) биринчи ўринни, Ҳамза(161-мактаб), Собир Раҳимов (249-мактаб) иккинчи ўринни, Миробод (110-мактаб), Шайхонтоҳур (85-мактаб) туманлари учинчи ўринни эгаллаганлиги эълон қилинди. Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир сўнгида мусобақа қатнашчилари боғ маъмурияти саховати билан барча аттракционларда масза қилиб учишди, чиройли байрам дастурхони атрофида ўтириб, куй ва қўшиқлардан бахраманд бўлишди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Ҳакимхон Солиҳов олган суратлар

Кураш

ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЧИҚМОҚДА

ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ БЎЛГАН ЎЗБЕК КУРАШИ 2006 ЙИЛДА ҲАМ ЎЗИНИНГ МУҲИМ УЧРАШУВЛАРИ, ТАДБИРЛАРИ, ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАЛАРИ БИЛАН СЕЗИЛАРЛИ ИЗ ҚОЛДИРМОҚДА. БУ ЙИЛГИ КУРАШ МУСОБАҚАЛАРИНИ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ГРЕЦИЯ ДАВЛАТЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ИСЛОМ КАРИМОВ» ТУРНИРЛАРИ БОШЛАБ БЕРДИ. ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ЭСА КУРАШ ПАН АМЕРИКА ҚИТЪАСИНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАСИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ. ТАРИХ САҲИФАЛАРИГА ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛИШИГА ЛОЙИҚ УЧРАШУВ МАРТ ОЙИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас- Сабоҳ таклифига биноан шу йилнинг 4 мартида ООК бош қароргоҳи жойлашган Кувайт давлатида Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов ва Осиё Олимпия Кенгаши президентининг расмий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида ООК билан КХА ўртасидаги ҳамкорлик самаралари муҳокама қилинди. Бўлиб ўтган учрашувлар миллий қадриятимизнинг Осиё ўйинлари таркибидан жой олишида муҳим омил бўлди. Учрашувда Шайх Аҳмад ал- Сабоҳ Осиё Кураш конфедерациясининг фахрий президенти этиб сайланди. Мазкур кенгашда Африка Олимпия қўмитаси президенти Лессана Паленфо ҳам иштирок этди. У билан курашни 2007 йилда Жазоирда бўлиб ўтадиган Афро-Осиё ўйинлари дастурига киритиш борасида ҳам музокаралар олиб борилди.

Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган учрашув ҳам, миллий ифтихоримиз бўлган спорт турининг янада кенгроқ тарғиб қилинаётганидан далолат беради. Тадбирда Осиё кураш конфедерацияси ҳамда Ҳиндистон кураш федерацияларининг президенти Жагдиш Татлер ва бошқа ҳиндистонлик меҳмонлар иштирок этдилар.

— Ўзбек кураши оламни забт этмоқда,— дейди Осиё Кураш конфедерацияси президенти, Халқаро Кураш Ассоциацияси вице президенти Жагдиш Татлер. Ушбу спорт тури ҳалоллиги, миллий анъаналарни ўзида жамлагани учун ҳам дунё миқёсида тан олинмоқда. Насиб этса бу кураш тури ўзининг довруғи билан асрлар оша яшайверади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан КХА президенти Комил Юсупов, Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулла Тожиев жорий йилнинг апрель, май ойлари муҳим расмий учрашувларга бой бўлганлиги, улар келажакда ўз самарасини албатта беражагини айтиб ўтишди.

Дарҳақиқат, апрель ойида Жанубий Корея давлатининг Сеул шаҳрида Бутунжаҳон миллий олимпия қўмиталари Ассоциациясининг ассамблея йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 202 та давлатдан Олимпия қўмиталари раҳбарлари иштирок этдилар. Ушбу йиғилишда КХА раҳбарияти ҳам қатнашди. Май ойида эса Осиё Олимпия кенгаши вакиллари юртимизда меҳмон бўлишди. «Дедеман» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбирда курашимизнинг халқаро қоидалари ва энг жозибали усуллари полвонлар томонидан намойиш этилди. Бу тадбирларнинг негизидаги асосий мақсад ўзбек курашини олимпия ўйинларига киритишдан иборатдир. Ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, таниқли мутахассислар, спорт ташкилотлари томонидан тан олиниши барчамизга чексиз қувонч бағишламоқда.

Гулчеҳра САТТОР қизи

Анжуманлар

ИСТЕЪДОД ДОИМО ҚАДРЛАНАДИ

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАР ИҚТИДОРИНИ ҚАДРЛАШ, ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ МАҚСАДИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА 15 ЙИЛДИРКИ АНЖУМАН ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА. ЯҚИНДА МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 328-МАКТАБДА «ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ» ҲАМДА «НАФОСАТ» ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР АНЖУМАНИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда шаҳримиздаги барча туманлардан иккинчи босқич ғолиблари иштирок этиб, назм, наср, публицистика, болалар адабиёти йўналиши бўйича ўзларини синаб кўришди. Ҳар бир қатнашчининг ижодидан сара намуналар тингланди, матбуотда эълон қилинган материаллари кўриб чиқилди.

Ҳайъат аъзолари шоир Икром Отамурод, ижодкор ўқитувчи Муаттар Ҳамроева, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Гулнора Эргашева ва бошқалар Бектемир туманидаги 293-мактаб ўқитувчиси Ўлмасхон Ҳақбердиева, Ҳамза туманидаги 206-мактаб ўқитувчиси Назокат Қундузова, Миробод туманидаги 214- мактаб ўқитувчиси Гулруҳ Холмаматоваларнинг ижодини юқори баҳолаб, 1-ўринга лойиқ деб топишди. Ёш ижодкор ўқувчилардан эса Дилноза Рашидова (153-мактаб ўқувчиси), Елена Чаплигина (291-мактаб), Маъмура Аҳмедова (275-мактаб) республика «Нафосат» ёш қаламкашлар анжуманида қатнашиш шарафига эришдилар. Ғолибларни ташкилий қўмита аъзолари тақдирлаб, республика миқёсидаги анжуманда ҳам пойтахтликлар шаънини муносиб ҳимоя қиладилар деб умид билдирдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Футбол

МУҲИМ ҒАЛАБА

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 10-ТУРИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР» ЎЗ МАЙДОНИДА ҚАРШИНИНГ «НАСАФ» КЛУБИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мазкур турнинг марказий учрашуви ҳисобланган ушбу баҳс мутахассислару мухлисларда катта қизиқиш уйғотганлиги шубҳасиз. Сабаби, азал-азалдан «Пахтакор» — «Насаф» ўртасидаги баҳслар қизиқарли, муросасиз курашлар остида кечган. Бу сафар ҳам стадионга ташриф буюрган мухлислар ўзига хос шиддатли учрашувнинг гувоҳига айланишди. Шуниси қизиқки, мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам майдонга ғалаба иштиёқида тушганликларини яширмай ўтиришмади. Дарвозалар томон уюштирилган чиройли комбинациялар, хавфли вазиятлар учрашувнинг мўроссиз ўтишини таъминлади. Аммо, маҳорат, тажриба бобида меҳмонлардан устунлик қилган Непомняший шогирдлари рақиблари дарвозабонини 90 дақиқа мобайнида икки марта хато қилишга мажбур эта олишди. Голларни дарвозага Байрамов, Тожиев йўллашди. Рақибларини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим очколарни қўлга киритган «Пахтакор» жамоаси турнир жадвалида якка пешқадамлик қилмоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Навбаҳор-Н» — 1:1, «Локомотив» — «Бухоро» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 4:0, «Андижон» — «Қизилқум» — 5:3, «Шўртан» — «Металлург» — 1:0, «Нефтчи» — «Самарқанд -Динамо» — 4:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 11-тур учрашувлари 28 май куни бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«050»: ХАБАРЛАРИ

●Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг навбатчи-нозирлик хизматига Сергели тумани, Қўйлиқ-7 мавзеси, 11-уй, 72-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида 8 ойлик гўдак қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро Д.Абдураҳмонова хабар берди. «Қутқарув хизмати» бошлиғи капитан Ҳусан Бобонов бошчилигида қутқарувчилар махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшигини очиб бериб, уйда ёлғиз қолган болани ота-онасига соғ-саломат топширдилар.

●Шунингдек, Мирзо Улуғбек тумани, Кичик ҳалқа йўлида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида фуқаро Д.Алиевдан хабар тушди. Капитан Ҳусан Бобонов бошчилигидаги «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали автоулов кесилиб, ичидаги одамлар олиб чиқилди ва тез тиббий ёрдам ходимларига топширилди.

●Юнусобод туманидаги «Бўзсув» каналида номаълум жасад борлиги тўғрисидаги хабар туман Ички ишлар бошқармасининг тезкор навбатчисидан тушди. Сержант Мансур Бектуров бошчилигида «Қутқарув хизмати» қутқарувчи-ғаввослари томонидан ёши тахминан 40-45 лардаги эркак кишининг жасади сув тубидан олиб чиқилди ва мутасадди ходимларга топширилди.

●Яккасарой тумани, У.Носир номидаги кўча, 144-уйнинг 19-хонадонида ногирон, кекса аёлга ёрдам бериш зарур, лекин кўча эшиги беркилиб қолганлиги ҳақида фуқаро Скоморожко хабар берди. Лейтенант Рустам Абдухаликов бошчилигида «Қутқарув хизмати» қутқарувчиси Шерзод Ҳамроев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди. Ногирон аёлга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва тиббиёт ходимларига даволашни давом эттиришлари учун топширилди.

●Чилонзор тумани, Халқлар дўстлиги кўчасидаги 18-уйнинг биринчи йўлагидаги лифт эшиги қулфланиб, ичкарида 5 нафар аёл киши қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро Н.Одилов Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси навбатчи нозимлик хизматига хабар бергач, сержант Мансур Бектуров бошчилигида «Қутқарув хизмати» қутқарувчиси Ғулом Абдураҳимов дарҳол онахонларга мададга шошилдилар.

Хусниҳон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи етакчи мутахассиси

Мунажжим башорати

ФАҚАТ ЯХШИЛИКНИ ЎЙЛАНГ

25 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИР ҚАТОР МУНАЖЖИМЛАР ФИКРИГА КЎРА, БУГУН ҲАР ҚАНДАЙ МУҲИМ ИШЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ, ЖАНЖАЛЛАРДАН, ЧАЛКАШ ВА МУЖМАЛ ВАЗИЯТЛАРДАН ҚОЧИШ, БИРОВЛАР ФИКРИГА ВА ЎЗ ЭҲТИРОСЛАРИНГИЗГА ЭРГАШИШДАН САҚЛАНИШИНГИЗ КЕРАК. ЯХШИ КАЙФИЯТДА БЎЛИБ, ФАҚАТ ЯХШИЛИКЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАШ МАҚБУЛ.

Бирон-бир лойиҳани ёки ҳаётимизнинг муайян бир босқичини ниҳоясига етказмоқчи бўлганимизда ўтиб бўлмас тўсиқларга дуч келамиз. Уларнинг табиати турлича бўлиши мумкин, лекин моҳияти битта — яъни биз яшаётган дунёнинг мукаммалликка эга эмаслигидир. Фалсафий мушоҳадаларга берилиб кетмай, аниқ бир иш жабҳасида, муайян фаолиятингизда ўз ҳаёт йўлингизни энг юқори даражада «тозалаш»га ҳаракат қилинг. Қатъиятсиз кишилар билан ҳеч қандай муросасозликка йўл қўйманг, бўшлик қилиб ёки қонунни бузиб, бирон соҳада ён берманг.

Харидлар қилиш, уйингизни таъмирлаш ёки безаш билан машғул бўлишингиз мумкин. Қўл ҳунари билан шуғулланиш, шу соҳада малака ошириш, бирон касбни эгаллаш ҳам хайрли бўлади.

Кўзгу ёки ойнанинг синиши бугун нохушлик аломати ҳисобланади. Булар мушкул ўзгаришлар ва йўқотишлардан огоҳлантиришдир. Деразангиз токчасига қўнган қушлар қичқириғи ҳам хайрли бўлмайди. Майда пуллар топиб олиш – бахт ва омадингиз юришишига ишора. Мабодо, кўчада сизни бир неча бор исмингизни айтиб чақиришса ёки шундай туюлса – бу сизга келажак кўмак ва ёрдамдан далолатдир.

Бугун кўзларингиз ҳамда нафас йўллари ва асаб тизимини эҳтиёт қилишингиз керак бўлади. Кун бўйи овқатдан ўзингизни тортишингиз манфаатли бўлиши кутилади.

Кийимлардан қора, ҳаворанг ва яшил ранглилари омадли бўлади. Сариқ, қизил ва зарғалдоқранг либосларингизни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўя туринг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6